



Tadqiqot.uz



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



30 NOYABR
№34

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
1-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-1**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 26 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Masharipova Marifat Rustambekovna, Olimboyeva Munajat Nabijon qizi, Bardiyeva Mashhura G'ayratbek qizi KONSTITUTSIYA – MILLIY QONUNCHILIGIMIZNING ASOSI.....	7
2. Базарова Дилдора Бахадировна ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	9
3. Мустафоев Мақсуд Амрулло ўғли ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ЖИҲАТЛАРИ.....	15
4. Орифжонова Моҳира Исломиддин қизи “ШАРИАТДА ЭРНИНГ АЁЛИ ОЛДИДАГИ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ”	19
5. М.Жалолдинова ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШДА БИРОДАРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ	21
6. Матчанова Мийригуль Азатовна ОСОБЕННОСТИ ЗАЩИТЫ ПРАВ МОЛОДЕЖИ И ЕЕ ПОДДЕРЖКИ НА НАЦИОНАЛЬНОМ УРОВНЕ В СТРАНАХ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА	23



1.ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

KONSTITUTSIYA – MILLIY QONUNCHILIGIMIZNING ASOSI

Masharipova Marifat Rustambekovna,
Xorazm viloyat yuridik texnikumi o'qituvchisi 3-darajali yurist
Olimboyeva Munajat Nabijon qizi, Bardiyeva Mashhura G'ayratbek qizi
Xorazm viloyat yuridik texnikumi 2- bosqich o'quvchilari

Annotatsiya: Ushbu maqolada Konstitutsiyamizning milliy qonunchiligimiz asosi ekanligi uning mazmun- mohiyati moddalari va boblari orqali namoyon bo'lishida ko'rsatib o'tilgan. Konstitutsiyaning yuridik xususiyatlaridan biri sifatida uning boshqa huquqlar va normativ hujjatlar uchun asos bo'lishi ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: Konstitutsiya, Huquq, Davlat, Modda, Qonun, Normativ Hujjat, Prezident, Adolat, Referendum, Fuqarolar, Mehnat huquqi, Jamiyat, Huquqiy ong, huquqiy madaniyat, Norma,

Asosiy qonunimiz - huquqiy davlat qurush yo'liga o'tishimizning poydevori hisoblanadi. Konstitutsiya asosida davlat organlari va fuqarolar, davlat hokimiyatini amalga oshirish va tashkil etish jaroyonida vijudga keladigan minosabatlardan tashkil topgan jamiyat, davlat tuzilishini ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy munosabatlarni tartibga solidi va mustahkamlaydi. Prezident Shavkat Mirziyoyev Konstitutsiya haqida “Konstitutsiya hamda qonun talablariga og'ishmay amal qilish ma'naviy saviyamiz, madaniyatimizning asosiy mezoniga aylanishi shart” deya ta'kidlashi ham bu asosiy qonunimizning mazmun mohiyatini anglashga undaydi.

Konstitutsiyaning yuridik xususiyatlaridan biri sifatida uning boshqa huquqlar va normativ hujjatlar uchun asos bo'lishidir. Eng avvalo, shunga e'tibor berish kerakki, qabul qilinadigan qonunlar konstitutsiyaga zid bo'lmasligi lozim. Bu qonunlarni yaratishdagi asosiy prinsip hisoblanadi. Mamlakatda qabul qilinadigan qonunlar konstitutsiya normalariga tayanishi, uni hayotga tatbiq qilishni nazarda tutishi, konstitutsiyada nazarda tutilgan qoidani yanada to'laroq tartibga solishni maqsad qilishi shart. Masalan, Konstitutsiyamizning 37-moddasida “Har bir shaxs mehnat qilish, erkin kasb tanlash, adolatli mehnat sharoitlarida ishlash va qonunda ko'rsatilgan tartibda ishsizlikdan himoyalaniish huquqiga egadir”, - deb belgilangan. Bu mehnat munosabatlarining asoslarigina hisoblanadi, mehnat munosabatlari shular bilangina tugamaydi. Ular juda keng. Endi, shu asosiy mehnat munosabatlaridan kelib chiqadigan boshqa munosabatlar mehnat qonunlari bilan tartibga solinadi. Demak, konstitutsiya mehnat qonunlarini yaratish uchun asos bo'ladi.

Konstitutsiya huquqiy davlatning asosiy belgisi hisoblanadi. Unda ijtimoiy- siyosiy xususiyatlari, taraqqiyotning bosh mezoni, mamlakatning ichki va tashqi siyosatining asosiy yo'nalishlari o'z ifodasini topgan bo'ladi.

Shuningdek, konstitutsiyada belgilangan ijtimoiy ta'minot olish masalasi, tibbiy xizmatdan foydalanish, bilim olish masalalari yoki atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish, xarbiy xizmatni o'tash burchlari ham masalani har tomonlama tartibga soluvchi qonunlar bo'lishini taqozo etadi. Konstitutsiyamizning ko'pchilik moddalarida shu masalani qonun bilan tartibga solinishi tartibi aniq ko'rsatib qo'yilgan. Yuqoridagi tartib qoidalarini Konstitutsiyamizning quyidagi moddalarida ko'rishimiz mumkin: referendum masalasi 9-modda, fuqarolik masalasini 21-modda, fuqarolarning murojaat qilishi 35-modda, Vazirlar Mahkamasiga faoliyati 98-modda, saylov tizimiga to'g'risida 117-modda va boshqa moddalarda belgilab o'tilgan. Konstitutsiya qonunchilik asosi deganda konstitutsiyaning o'zida qonun qabul qilish va e'lon qilish jarayoni asoslari belgilab qo'yilganligini ham ko'rsatib o'tish mumkin. Konstitutsiyaning 78-moddasida Oliy Majlis qonun chiqaruvchi hokimiyatni amalga oshirishi belgilab qo'yilgan. 83-moddasida qonunchilik tashabbusiga ega subyektlar doirasi belgilangan va 84-moddada qonun yaratilish jarayoni mustahkamlangan.



Barchamizga ayonki, mamlakatning taraqqiyoti konstitutsiyaviy tuzum barqarorligiga, u esa konstitutsiyaning amal qilishiga to'g'ridan-to'g'ri bog'liq. Bunda fuqarolarning qonunlarga itoatkorligi muhim. Konstitutsiyamizning 15-moddasida “Davlat, uning organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalari, fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga muvofiq ish ko'radilar” deb qat'iy belgilab qo'yilgan. Konstitutsiyani buzish, unga amal qilmaslik, davlatchilik asoslarini buzadi, fuqarolar o'rtasida ishonchsizlikni vujudga keltiradi. Bu esa o'z navbatida, inson huquqlarining buzilishiga olib keladi. Shuning uchun ham davlatlar konstitutsiya qabul qilish bilan cheklanmay, unga amal qilishni ta'minlash choralarini ko'radilar. Konstitutsiyaga amal qilishni ta'minlovchi alohida vosita sifatida Konstitutsiyaviy sud faoliyatini ko'rsatish lozim. Chunki, Konstitutsiyaga amal qilish faqat uni bajarish emas, unga zid boshqa hujjatlarni ham qabul qilmaslikdir. Konstitutsiyamizning 16-moddasida “Birorta ham qonun yoki normativ-huquqiy hujjat Konstitutsiya normalari va qoidalariga zid kelishi mumkin emas”, - deb belgilangan. Zeroki, mamlakatning asosiy qomusi hisoblangan konstitutsiya har bir mamlakat qonunchilik tizimining asosiy poydevori hisoblanadi. Shunday ekan, jamiyatning barcha a'zolari, davlat organlari, tashkilotlar, idoralar, siyosiy partiyalar, umuman, barcha tuzilmalar konstitutsiyada belgilangan huquq va majburiyatlarni to'liq anglab yetgan holda harakat qilsa, bunday mamlakatda demokratiya yuksak darajada taraqqiy qilavaradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiya -2018 yil
2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaga sharh- 2008 yil
3. Konstitutsiyaviy huquq (Darslik) – 2021 yil



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Базарова Дилдора Бахадировна,
Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар номзоди.
E-mail: d.bazarova@tsul.uz

Аннотация: Мазкур тезисда жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-амалий жиҳатлари тезис доирасида тадқиқ этилган. Шунингдек, мазкур тезисда жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-амалий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар ва амалдаги қонунчилик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: процесс, шахс, ҳуқуқ, жиноят, тергов, суд.

Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг назарий ва ҳуқуқий асослари қатор илмий тадқиқот ишларида атрофлича ўрганилган. Шунингдек, мазкур асосларининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этишда, “шахс ҳуқуқлари” категориясига тавсиф берилиши мақсадга мувофиқ. Шунга қўра, тадқиқот ишларида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари юзасидан олим ва мутахассислар томонидан назарий ёндашувлар илгари сурилган.

Жиноят иши юритуви босқичларида, хусусан жиноят ишини қўзғатишдан бошлаб, уни тергов қилиш, судда қўришга тайинлаш, ишни мазмунан судда қўриш ва натижаси бўйича суд ҳужжатлари (ҳукм, ажрим)ини қабул қилиш, ҳукм (ажрим, қарор)нинг ижро этилишини таъминлашни амалга оширишда жиноий процессуал қафолатлар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир жиноят иши бўйича одил судлов вазифаларини амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар тарзидаги процессуал қафолатларни ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг қафолатларини, яъни улар ёрдамида процесс иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган қафолатларни фарқлаш лозим. Мазкур қафолатлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда уларни қарама-қарши қўйилиши, тенглаштирилиши мумкин эмас, улар жиноят процессида қонунийлик ҳуқуқий қафолатларининг тури ҳисобланади. Давлатнинг алоҳида шахсга нисбатан бўлган манфаати бир-бирига мувофиқ бўлмаслиги мумкин, лекин шахснинг у ёки бу манфаатларини қонуний хусусиятини белгилаб, давлат бу манфаатларнинг ҳимоясини таъминлайди. Кенг маънода қонунийликнинг қафолати бутун жиноят процесси, шунингдек процессуал шакл ҳисобланади. Шакл процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда процесс вазифаларига эришишни қафолатлашга қаратилгандир [1].

Таъкидлаш лозимки, жиноят процессуал қафолатлар жиноят процессида одил судловнинг қонунийлиги ва инсонпарварлигининг амалий тасдиғи бўлиб, қонунчиликда белгиланган шахс ҳуқуқларини жиноят ишларини юритишда амалда таъминланишидир.

Жиноят-процессуал қонунчиликнинг мақсадларига эришиш ва унинг олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун, биринчи навбатда, жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус процессуал қафолатлар тизимини яратиш лозим [2].

Шундай қилиб, жиноят процесси иштирокчиларининг жиноий процессуал қафолатлари остида иккита компонентнинг жамлигини тушуниш керак: биринчидан, бу жиноят процессуал қонуни билан белгиланган процессуал меъёрларнинг (ҳуқуқий воситаларнинг) жами (tizими), яъни, жараён иштирокчисига ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишга рухсат бериш ёки унга қарши бўлган субъектларнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар, мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш; иккинчидан, бу жиноят процессида иштирок этаётган барча иштирокчилар фаолиятида қонунга аниқ ва бир хил риоя этилишини таъминлаш учун ушбу ҳуқуқий воситаларни амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг юридик фаолияти [3].

Баъзи муаллифларнинг фикрича, жиноий процессуал қафолатлар “ҳуқуқий воситалар тизими”дир. Бошқаси бу таърифни “ҳуқуқий воситалар” кўринишида кўради. Яна кимдир бу “воситалар, усуллар ва шартлар” эканига амин. Тўртинчиси, жиноий процессуал қафолатлар остида “барча жиноий процессуал қонун”ни тушуниш керак деган хулосага келади.

Процессуал қафолатлар иккита асосий турга бўлинади: 1) шахснинг жиноят ишини



юретиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари (индивидуал ҳуқуқларнинг кафолатлари; айрим субъектларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари; инсон ҳуқуқларининг кафолатлари); 2) одил судлов кафолатлари [4].

Шунингдек, Л.А.Кротова уларни жиноят процессуал меъёрлари доирасига кўра икки гуруҳга ажратади: 1) жиноят процессининг бутун тизимини, одил судлов асосий шартларини ўз ичига олган ёки процессуал тушунча ва институтлар (тамоийиллар) изоҳларини ўз ичига олган нормаларда назарда тутилган процессуал кафолатлар. жиноят иши бўйича); 2) тартибга солувчи таъсир кўрсатадиган муайян типик процессуал вазиятларни қамраб оладиган қоидаларда назарда тутилган процессуал кафолатлар[5].

Шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари таърифига берилган назарий хулосаларига кўра процессуал кафолатлар қуйидаги элементларни ўз ичига олади: 1) жиноят процесси тамойиллари; 2) процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 3) шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Шундай қилиб, кафолатлар тизимига нисбатан фанда қарама-қарши фикрларга қарамай, биз яна бир бор таъкидлаймизки, процессуал кафолатлар - бу мустақил процессуал воситалар эмас, балки таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари тизими. Бу тизимнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, у жиноят процессини юритаётган мансабдор шахсларни жиноят процессуал қонунда назарда тутилган шахс ҳуқуқларининг ҳақиқий таъминланишини эмас, балки декларативликни рад этишга, тортишиш марказини ўзгартиришга йўналтиради [6].

Шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари таърифига берилган назарий хулосаларни умумлаштирган ҳолда кўра процессуал кафолатлар қуйидаги элементларни ўз ичига олади: 1) жиноят процесси тамойиллари; 2) процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 3) шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Қайд этилганидек, жиноий процессуал кафолатлар назариясини тадқиқ этган олимлар процессуал кафолатлар тизимига кирувчи процессуал воситалар сони масаласида мунозаралар мавжуд. Кўриб чиқилаётган назариянинг илмий таърифини шакллантириш орқали, жиноят процессида иштирок этувчилар ҳуқуқлари кафолатлари тизимига қандай элементларни киритиш мумкинлиги ҳусусида ҳам қатор назарий хулосалар мавжуд.

Кафолатлар тизими бу – процессуал кафолатлар алоҳида процессуал воситалар эмас, балки ҳуқуқий воситалар тизими эканлигини таъкидлаймиз. Ушбу тизимнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, у жиноий иш юритаётган мансабдор шахсларга декларатив характердан воз кечишни, жиноят процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқларнинг реал таъминланишни белгилайди.

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган кўплаб талқинларга асосланиб, процессуал кафолатлар тизимини кенг ва тор маънода кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тизим таркибига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладиган қуйидаги компонентларни ўз ичига олиши керак, хусусан: жиноят процесси тамойиллари; жиноят процесси шакллари; жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; процессда иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги органлар ва мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Шунингдек, жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари тизимида, жиноят процесс принциплари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур принциплар ушбу соҳада амалга оширилиши учун асос бўладиган умумий қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Мазкур соҳадаги фаолият йўналишлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилар экан, ушб фаолиятга асос бўлувчи асосий қоидалар (принциплар) ҳам мустаҳкамланиши лозим.

Принциплар жиноят процессининг моҳияти ва мазмунини ифода этади, унинг энг муҳим хусусиятлари ва сифат жиҳатларини, процессуал тартибга солиш предмети ва усулини тавсифлайди. Умумий меъёрлар бўлмиш принциплар амалий фаолият борасида юзага келадиган барча масалаларнинг ҳал этилишини таъминлайди. Процессуал ҳуқуқда айрим меъёрлар ўртасида муаммолар ёки зиддиятлар вужудга келса, принциплар вужудга келган қийинчиликларни ҳал этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жиноят процессида қонунийликни янада мустаҳкамлаш унинг ҳар бир принципига аниқ риоя қилишни ҳамда уларни барча процессуал босқичларида ва институтларида изчиллик билан амалга оширишни талаб этади, мазкур принциплар мазмунини ва тизимини тўғри тушуниш эса амалиёт хо-



димларининг ўз ишининг келгуси йўналишлари юзасидан билимларини бойитади. Жиноят процесси принципларининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, улар жиноят процессининг демократлашганлиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди;

иккинчидан, жиноят-процессуал меъёрлар ва айрим жиноят процессуал институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади;

учинчидан, жиноят процесси принципларини амалиётда аниқ мазмунини англаш мураккаб бўлган жиноят-процессуал меъёрларни шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади;

тўртинчидан, жиноят процесси принципларига сўзсиз амал қилиш жиноят ишлари суд муҳокамасининг барча вазифалари бажарилиши учун зарур ва мажбурий шартдир [7].

Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминловчи принциплар сифатида “Қонунийлик”, “Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш”, “Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш”, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш”, “Айбсизлик презумпцияси”, “Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” кабиларни кўрсатиш мумкин.

Қонунийлик. Ушбу принципнинг мазмун-моҳиятини жиноят процесси иштирокчиларнинг қонунчилик нормаларига, хусусан ушбу фаолият принципларини шакллантирадиган меъёрларга риоя этилишини белгиловчи бош қоида сифатида кўрсатиш мумкин.

Е.Н.Никифорованинг таъкидлашича, “қонунийлик – кўп қиррали, кенг қамровли принцип бўлиб, у процессуал ҳуқуқнинг барча принциплари ва меъёрларида ўз аксини топади, жиноят ишлари суд муҳокамасининг барча томонларини тавсифлайди” [8].

Мазкур принципнинг шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги аҳамияти, жиноят процесси иштирокчилари бўлмиш судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ иш юритишлари орқали процесснинг барча босқичларида шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишига эришишда ифодаланади.

Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш. Барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи, ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, жиноят процессида ҳам амал қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ишда иштирок этаётган ҳар қандай шахснинг мансаб мавқеи, жинси, ирқи ва миллати, маълумоти, тили, динга муносабати, яшаш манзили, эътиқодлари ҳамда жамоат ташкилотларига мансублиги, бошқа ҳар қандай ҳолатлар бирор-бир имтиёзлар берилиши ёки унинг камситилиши учун асос бўла олмайди ва процесснинг боришига ҳамда натижасига таъсир этмайди. Бу талаблар нафақат суд босқичларига, балки бутун иш юритилишига нисбатан татбиқ этилади, чунки қонун меъёрлари суд муҳокамасининг биронта босқичида фуқаронинг ҳуқуқий мавқеини кўрсатиб ўтилган белгилар билан боғлаб қўймайди. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қоидалардир. Лекин бу ҳолат уларнинг мустақил мазмунини инкор этмайди. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қоидалардир. Лекин бу ҳолат уларнинг мустақил мазмунини инкор этмайди. Фуқароларнинг суд олдида тенглиги шуни англатадики, судланувчи ва жабрланувчига нисбатан ирқи, миллати ва диний эътиқодлари, ижтимоий, мансабга доир ва мулкӣ ҳолатидан қатъи назар, ишлар барча судлар томонидан кўриб чиқилиши айнан бир хил процессуал тартибда амалга оширилади. Шунингдек, бу фаолият тартиби ва принциплари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларга боғлиқ бўлган ирқӣ, табақавий ва махсус судлар давлатда мавжуд эмаслигини билдиради [9].

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш. Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасида белгиланишича, “судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади”.



Ушбу принцип давлат органлари билан ишда иштирок этадиган шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шундай белгилайдики, давлат органлари ишда иштирок этадиган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилиши шарт, ишда иштирок этадиганлар эса инсон кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлардан ҳимоя қилиш воситалари мажмуига эгадирлар, шу жумладан, уларнинг манфаатларини чеклаш ёки бузишга олиб келадиган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят аризаси беришлари мумкин. Мазкур принцип шахсга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш учун тўсиқ бўлиб хизмат қилади [10].

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш. Жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт ҳамда ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосланган бўлиб, унга кўра давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Қонун жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар рўйхатини белгилаган. Ушбу органлар ўзларига қонун билан юклатилган функциялардан ташқари, жиноят процессида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши учун масъулдирлар. Жиноят-процессуал қонунга биноан, жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қуйидаги мажбуриятларни амалга оширадилар: қонуний асосларсиз мажбурлов чоралари қўлланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини дарҳол тиклаш; жиноят процесси иштирокчиларининг ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишлари учун зарур бўлган шароит яратиш уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур ҳимоячи ва таржимон билан таъминлаш; жиноят процесси иштирокчиларининг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилиш [11].

Айбсизлик презумпцияси. Бугунги кунда давлатимиз томонидан жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган концептуал ислохотлар негизида миллий қонунчилигимизни “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор” деган тамойилга асосланган ҳолда такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Миллий қонунчилигимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлган жиноят-процессуал соҳасига тааллуқли бўлган ҳамда қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси тамойилларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони шулар жумласидандир.

Мазкур Фармон билан қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлаш мақсадида соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этиш суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан биринчи даражали эътибор қаратиш лозим бўлган устувор вазифа этиб белгиланди.

Шу ўринда, “айбсизлик презумпцияси”га тўхталадиган бўлсак, ушбу принцип инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи асосий конституциявий тамойиллардан бири бўлиб, шахснинг айби қонунчиликда белгиланган тартибда ва жиноят ишларини юритиш ваколатига эга бўлган судлар томонидан қонуний кучга кирган ҳукми билан исботланмагунча, айбсиз ҳисобланишини англатади.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчи учун нафақат асоссиз айбланишдан, балки ҳукм қилинишдан ҳимояловчи кафолат бўлиб хизмат қилади. Унинг айби қатъий исботланиши ва бартараф этилиши мумкин бўлмаган шубҳаларни айбланувчининг фойдасига ҳал қилиниши ҳақидаги талаб давлат органларини иш ҳолатларини ҳолисона, ҳаққоний аниқлашга ундайди, бусиз иш судда асосли ва адолатли ҳал этилиши мумкин эмас [12].

Жиноят ҳуқуқи назариясида “айб” тушунчасига “шахснинг ўзи томонидан содир этилган, Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаркатасизлик)



га ва унинг ижтимоий ҳавфли оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабатининг қасд ёки эҳтиёт-сизлик шаклидаги кўриниши” [13], деб таъриф берилган.

Жаҳон тарихида айбсизлик презумпцияси биринчи марта 1789 йил 26 августдаги Франция давлатининг Фуқаро ва инсон ҳуқуқлари Декларациясида фуқаро шахсий озодлигининг процессуал кафолати сифатида эълон қилинди. Хусусан, ушбу Декларациянинг 9-моддасида ҳар бир шахснинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилди [14].

Бундан ташқари, ушбу тушунча Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция каби халқаро умумэътироф этилган ҳужжатларда тегишли нормалар билан баён этилди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 11-моддасида “жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақли эканлиги” [15] ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасида “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай шахс қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилган” [16].

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ҳам айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ тегишли нормалар белгиланган бўлиб, ушбу нормалар мамлакатимизда бевосита инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ва кафолатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди;

иккинчидан, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ норма Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 10-моддасида айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча қадар, айбсиз ҳисобланиши тарзида келтирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунча қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги ҳамда қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги ифодаланган.

Айбсизлик презумпциясига тааллуқли бўлган юқоридаги қонун ҳужжатлари таҳлили, ушбу принцип нафақат “гумон қилинувчи”, “айбланувчи” ёки “судланувчи”, балки Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг маълум бир жиноят иши юзасидан айблилик масаласи қонуний тартибда кўриб чиқилиб, айби исботланмагунча айбсиз эканлиги тўғрисида ҳуқуқи мавжудлигини белгилайди.

Шунингдек, жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига мувофиқ исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга ошириши белгилаб қўйилган. Шахснинг айбдорлигини исботлаш суриштирув ва тергов органларига юклатилган бўлиб, бу вазифа гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан амалга оширилиши шарт эмас. Бу уларнинг ҳуқуқи бўлиб, мустақил равишда ёки ҳимоячиси орқали исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, айбсизлик презумпцияси учун Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмида мустаҳкамланган ҳолатлар ҳам аҳамиятга моликдир. Жумладан, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Бу қоида жиноят ва жиноят – процессуал қонунларни қўллашда татбиқ этилади.



“Шахснинг жиноят содир этганликда айбдорлиги ҳақидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва шубҳасиз етарли далиллар билан исботланиши лозим. Айбловни тасдиқлайдиган ишончли далиллар бўлмаган ва янги далиллар тўпланмаган тақдирда иш юритиш тугатилади ёки оқлов ҳукми чиқарилади. Қонунни қўллашда келиб чиқадиган иккиланишлар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” [17].

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасига биноан, “Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади”.

Ҳимояланиш ҳуқуқи нафақат шахс манфаатларининг, балки одил судлов манфаатларининг ҳам кафолатидир. У ҳимоячида айблов хулосаларига эътироз билдириш, манфаатларини ҳимоя қилаётган шахс фойдасига далил-исботлар келтириш кенг имкониятининг мавжуд эканлиги иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона тадқиқ этиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун энг қулай шарт-шароитларни яратади [18].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жиноят процессуал соҳада шахс ҳуқуқларини таъминловчи воситалар процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиб, соҳада қонунийлик ва одил судловга эришишнинг кафолатидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жиноят процесси. Дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.24.
2. Муродов Б.Б. Терговга қадар текширувда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. - 2020. - № 4 (47).- Б.75.
3. Овчинников Ю. Г. Понятие уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 19, 2011. – С.42
4. Овчинников Ю. Г. Классификация уголовно-процессуальных гарантий // Серия “Право”, выпуск 24. –С. 58.
5. Кротова Л. А. Процессуальные гарантии достижения задач уголовного судопроизводства: дис.канд. юрид. наук. Казань, 1982. С. 106.
6. Овчинников Ю. Г. Система уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 25, 2010. – С.56.
7. Жиноят процесси. Дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.20.
8. Жиноят процесси. Дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.20.
9. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. – ТДЮИ, Т.: 2008, - Б.22.
10. Жиноят процесси. Дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.20.
11. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. – ТДЮИ, Т.: 2008, - Б.22.
12. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. – ТДЮИ, Т.: 2008, - Б.22.
13. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. 1-жилд: Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Т.: “ТДЮИ”, 2010. – Б.214.
14. <http://www.agitclub.ru/museum/revolution1/1789/declaration.htm>
15. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
16. <https://kasaba.uz>
17. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. – ТДЮИ, Т.: 2008, - Б.22.
18. Жиноят процесси. Дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.20.



ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ЖИҲАТЛАРИ

Мустафоев Мақсуд Амрулло ўғли
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш
бўлими катта маслаҳатчиси
Тел: +998901229744
E-mail: mustafoevmaksud@gmail.com

Аннотация: Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳамда масъулиятини пухта билиши, буни ҳаётий эҳтиёж сифатида англаши лозим. Фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури мамлакат ҳаётига, янгиланишларга мос равишда ўзгариб бориши ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур мақолада жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга бўлган эҳтиёж ва бу борадаги ишлар самараси таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, фуқаролик жамияти, Миллий дастур, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим. Чунки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳуқуқий онгнинг энг асосий ўзагидир.

Жамиятдаги ҳуқуқий онгни ривожлантириш масаласи жудаям долзарб бўлиб, ҳуқуқий онгни ривожлантириш аҳолининг шунчаки қонун-қоидаларни яхши билишигина эмас, балки уларга доимий амал қилиши асосида кучли фуқаролик жамиятини яратишдан иборат ҳисобланади.

Ўз навбатида, Фуқаролик жамиятини шакллантириш давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалишига туртки бўлади. Шу боис бугунги кунда жамиятнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстириш ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар камайишига хизмат қилади, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан савияли бўлиши ҳамда ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши англаши давлат органлари томонидан ҳуқуқий механизмни ишлатишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Агар фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши тушунса, давлат органлари адолат мезонларининг ўрнатилишига, тизимнинг холис ва шаффоф ишлашига, соҳадаги иш юритувлар қонунийлик асосида олиб борилишига эришиш мумкин. Ўз навбатида, аҳоли ҳуқуқий жиҳатдан саводли қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаб бериш давлатнинг олдида турган энг бирламчи мақсадга айланиши керак. Чунки, халқ ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмас экан, кўплаб соҳаларда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, инсон кадрини ерга уриш ҳолатлари кўпаяди.

Аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-I-сон қарори билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” тасдиқланди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган мазкур дастурнинг қабул қилиниши – ушбу соҳада амалга оширилган энг биринчи қадамлардан бири бўлди.¹

Бундан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган бир қатор амалий ишлар амалга оширилди: юридик адабиётлар нашр этилиши, телевидение, радио ва газеталар орқали тарғиб қилиш, ташвиқот ишларини олиб бориш, жаҳон тажрибасининг ижобий тажрибаларини ўзлаштириш шулар жумласидан.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда. <https://lex.uz/uz/docs/249352>



маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб этиш, бунинг учун эса замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ташаббуси билдирилди. Мазкур ташаббус юзасидан “Mening fikrim” веб-портали ишга туширилиши аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқий соҳага бўлган қизиқишини ортишига сабаб бўлди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бироқ, ҳозирги кунга қадар аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар сақланиб қолди.

Мазкур омилларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармони асосида Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази ва ихтисослаштрилган “Адолат” нашриёти негизида “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази давлат унитар корхонаси сифатида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон Фармонида асосан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси, “Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти давлат унитар корхонаси ҳамда “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририятини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Адлия вазирлиги қошида давлат муассасаси шаклидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази этиб қайта ташкил этилди.¹

Марказ аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлидаги қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- аҳоли ва ижрочиларга жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, шунингдек, қонун ҳужжатларини расмий нашр этиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни Ҳукумат томонидан белгиланган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Миллий базадан фойдаланишини таъминлаш, бу соҳада таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- аҳолининг турли қатламлари, ўқувчи ёшлар, кичик ёшдаги китобхонлар, имконияти чекланган шахслар, талабалар, турли соҳаларда фаолият юритаётган ходимлар, давлат хизматчилари учун ҳуқуқий ахборот тақдим этиш;
- глобаллашув жараёнида ёшларимизнинг турли ёт ғоялар ва маданиятлар таъсирига тушиб қолишдан ҳимоялаш, фуқароларнинг одам савдоси, гиёҳвандлик ва бошқа турли иллатлар домига тушиб қолишининг олдини олишда зарур ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш;
- тезкор, шиддатли давр ислохотлари талаблари асосида янги қабул қилинаётган қонунлар, фармон, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ва улардаги ўзгаришлар билан юрдошларимизни мунтазам хабардор этиб бориш.²

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишларнинг янада олға силжишига сабаб бўлди.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон; 24.07.2021 й., 06/21/6269/0704-сон. <https://lex.uz/uz/docs/4820060>

² <https://adolatmarkazi.uz/uzs/about/markaz/about-us>



Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган.¹

Фармон асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланган.

Бундан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, давлат органларининг қонунга ҳилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, тегишли давлат органларига аниқ вазифалар юклатилган. Шунингдек, фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси қабул қилиниб, унинг асосий вазифа ва мақсадлари, асосий йўналишлари кўрсатилган ва Концепцияни самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. “Йўл харитаси”га 88 та банд киритилган бўлиб, барча соҳаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши назарда тутилган.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ишини мактаб босқичидан амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим. Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш – маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвий боғлаш зарур. Бунда, юқори синф ўқувчилари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўзаро давра суҳбатлари ўтказиши орқали ушбу органларнинг мактаблар билан ўзаро алоқасини ўрнатиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, мактаб дарсликларини ижтимоий муносабатларга алоқадор бўлган фуқаролик ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни қамраб олувчи таянч тушунчалар билан кўпроқ бойитиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу мактаб ўқувчиларининг ўзининг таянч фуқаролик ва иқтисодий билимларига эга бўлишига хизмат қилади. Шунингдек, мактабдан кейинги босқич бўлган техникумларда ҳам соҳага оид ҳуқуқий фанларни кўпайтириш ва уларнинг ҳаётий жиҳатларини ўқувчиларга тушунарли ва содда тилда етказиш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон. <https://lex.uz/uz/docs/4149765>



Хулоса қилиб айтганда, ушбу ишларни амал оширилиши учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни ҳис қилишимиз лозим. Ҳуқуқий онг ва маданият юксалган давлатларда иқтисодий ўсиш ҳам барқарорлашишини бир қатор ривожланган демократик давлатлар мисолида кўришимиз мумкин. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожланган мамлакатлардагина Конституция ва қонунлар устунлиги таъминланади. Чунки, давлат ва шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-I-сон қарори билан тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон; 24.07.2021 й., 06/21/6269/0704-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон).

Интернет сайтлари:

<https://lex.uz>

<https://adolatmarkazi.uz>



“ШАРИАТДА ЭРНИНГ АЁЛИ ОЛДИДАГИ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ”

Орифжонова Моҳира Исмолиддин қизи

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти
403-гуруҳ талабаси
(+998)977741444

Аннотация: Ислом шариати ҳамиша аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилади ва уни ҳақ ҳуқуқларини поймол бўлишига йўл қўймайди. Никоҳ орқали собит бўлган риштада эркак кишига юклатиладиган ўзига хос вазифа ва бирчлар мавжуд. Бу мақола орқали бу мажбуриятлар очиб берилади.

Калит сўзлар: маънавий ва молиявий бурч, маҳр, нафақа.

Инсонларни ҳамиша азиз ва мукаддас қилган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, шариатни мукаддас тарзда етказиб берган ҳабибимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га солату саломлар бўлсин.

Ислом динида оила масаласига жиддий эътибор қаратилади, унинг мустаҳкамлиги, эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат давомийлигини таъминлаш учун динимиз ўзига хос қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйган. Оилавий ҳаётнинг асосий ташкилотчилари ва аъзолари бўлмиш эр ва хотиннинг ҳар бирига ўзига хос бурч ва вазифаларни юклаган, бир-бирларига нисбатан ҳақ ва ҳуқуқларни белгилаб берган.

Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқлаб ёритилган. Мужтаҳид уламоларимиз мазкур оят ва ҳадислардан қўлаб ҳукмларни чиқарганлар.

Мавзуимиз эркак кишининг бурч ва вазифаларига тегишли бўлганлиги сабабидан “хотиннинг эр зиммасидаги ҳаққлари” борасида маълумот берамиз.

Аёл кишининг эри зиммасидаги ҳақлари икки қисмга бўлинади:

- Маънавий
- Молиявий

Эркак киши оиланинг бошлиғи бўлиб, у оиланинг ҳар томонлама эҳтиёжларини қондира олиши, етарлича парвариш қила олиши лозимдир.

Аёл киши ҳамиша ожиза ва ҳиссиёт билан иш қўрувчи қийшиқ қовурғадан яратилган инсондир. Уни тоғирлаш эса эркак кишининг вазифаси ҳисобланади. Шу сабабдан аёл киши агар хато қиладиган бўлса, эркак уни чиройли ҳолатда тузатишга ҳаракат қилиши ва унга ҳамиша маънавий қувват бериб тура олиши лозим бўлади.

1. Хотиннинг эр зиммасидаги ҳақларидан биринчиси эр томонидан унга яхши ва адолатли муомала қилинишидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

“فَوَرَعَلَّ ابْنُ مَوْشَىٰ عَوًى”

“Аёллар билан яхшилик билан умргузаронлик қилинглар!”, дея амр этган (Нисо сураси: 19-оят).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) :

“مَنْ أَسْنَلَ مُكْرَأً يَخُ مَكْرَأً يَخُ”

«Сизларнинг энг яхшиларингиз ўз аёлларига яхшиларингиздир» дея марҳамат қилганлар.

2. Эр хотиннинг озорини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида мулойим бўлиши, унинг ҳатоларини кечириши керак.

Бундай қилиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилишдир. Имом Муслим ривоят қилишларича, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳдан бошқа оиласига меҳрибонроқ бирор кишини кўрмадим».

3. Эркак аёлини қизғаниши, унинг ор-номусини, иффатини сақлаши керак. Хотинини ҳаромдан ҳимоя қилиш ва аёлини гумонда қолдирадиган ишлардан йироқ бўлиши эрга вожибдир.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ эрни оиласини хиёнатда гумон қилиб кечқурун келишдан қайтарганлар».



4. Эр хотинини яхши кўрса ҳам ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак.

Албатта мусулмон инсон бошқа бир мусулмонга озор бериши ёки зулм қилиши ислом шариатида гуноҳ саналиб, ҳамиша қораланган.

Молиявий бурчларига келсак, улар қуйидагилар:

1. Маҳр ҳаққи- Никоҳ билан эркак кишининг бўйнига тушувчи вожиб ҳақлардан ҳисобланиб, Бу аёлни икром қилиш, унга яхшилик қилишжихатидандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда эрларни аёлларининг мазкур ҳақларига риоя қилишга чақириб:

“قُلْ حَنْنُ نَهْتُ أَقْصَءَ أَسْنَلَا أَوْتَاوْ”

“хотинларига маҳрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгилдан) берингиз”

(Нисо сураси: 4 -оят)

2. Эр хотинининг озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини исроф этмай, етарли таъминлаши керак.

Эр оиласига сарфлаган харжлари учун ажр ва савобга эришади. Имом Бухорий ва Муслим «Саҳиҳ»ларида шундай келган:

«Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар:

قَفْتُمْ) «كَيْتَارْمَاهَفْ يِفْلُغَجَتْ أَمْ يَتَحْ أَهْلِيْلَعْتَرْجُ أَلْإِلْهَلْأَهْجَوْ أَيْبَ يَغْتَبَتْ قَفْنَتْ نَلْ كَنْ إِنْ»
هَيْلَع

“Сен Аллоҳ таоло розилигини истаб қилган ҳар қандай харжинг учун ажр оласан. Ҳатто хотининг оғзига солган таоминг учун ҳам сенга ажр бор». Шунингдек, бу масалада яъни нафақа масаласида эр ўзининг иқтисодий ҳолидан келиб чиқиб иш кўради. Хотиннинг битмас-туганмас талаб ва хоҳишлари учун ўзини ўтга чўкка уриб, ношаръий ва ноқонуний йўллар билан пул топишга киришмайди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

أَهَاتَا أَمْ أَلْإِسْفَنْ قُلْأَفْلَكُنِي أَلْهَلْأَهَاتَا أَمْ قَفْنُيْلَفْ مُقْزَرْهَيْلَعْ رَذُقْ نَمَوْهَتْ عَسْ نَمَوْهَتْ عَسْ وَذَقْفَنْيْل
أَرْسُيْ رَسْ عْ دَغْبْ قُلْأَلْ غَجْ يَسْ

“Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни ўз бойлигига ярашадиган тарзда) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсадан (ўз ҳолига яраша) нафақа берсин. Аллоҳ ҳеч бир жонга Ўзи унга ато этган нарсадан бошқа нарсани юкламас. Аллоҳ танглик-камбағалликдан сўнг енгиллик-бойликни ҳам пайдо қилур” (Талоқ сураси: 7-оят).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ислом дини оилани ҳамиша муқаддас сановчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шаръий ҳуқуқлар асоси ҳисобланади. Бу бурч ва мажбуриятларга амал қилиш ҳар бир мусулмон учун вожиб саналади. Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг буйруқларига амал қилувчи бандаларидан бўлиши насиб қилсин.



ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШДА БИРОДАРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ

М.Жалолдинова,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторант

Телефон: +99890 788 74 95

M.Jaloldinova1995@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя, уни таъминлашда қадриятларимизга айланган биродарлик ва ўзаро ёрдам принципларининг ўрни ҳақида бўлиб, бугунги кунда ҳам ижтимоий ҳимояга оид муаммоларни ечими сифатида аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: ислом ҳуқуқи, фикҳ, ижтимоий ҳимоя ва таъминот, Қуръони карим маънолари таржимаси, биродарлик, ўзаро ёрдам, закот, садақа.

Ислом ҳуқуқининг қонун-қоидалари ва амалларидан бешта бош мақсад кўзда тутилган:

1. Инсон ҳаётини муҳофаза қилиш;
2. Инсон ақлини муҳофаза қилиш;
3. Инсон динини муҳофаза қилиш;
4. Инсон мол-мулкни муҳофаза қилиш;
5. Инсон насл-насабини муҳофаза қилиш;

Ислом ҳуқуқининг барча ҳукмлари унинг атрофида айланади ва уларнинг манфаатларида жамланади. Уламолар уни “беш зарурат”, баъзи уламолар эса “беш асл” ва “беш қуллия” деб номлашган. Бу ҳақида Имом Ғаззолий шундай дейди: “Дин ва шариатнинг бандаларга кўзлаган мақсади уларнинг динлари, жонлари, ақллари, насллари ва молларини муҳофаза қилишдир”. Ушбу беш асли сақлаш таркибига кирадиган ишларнинг барчаси манфаат, уларнинг заволига сабаб бўладиган барча нарсалар зарардир. Уни даф қилиш эса манфаатдир. Инсонни бу беш нарсасиз тасаввур қилиб бўлмагани учун уларни заруратлар ёки инсон манфаатлари дейилади¹.

Демак, ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя деганда таҳлика ва зарарлар пайдо бўлмасидан аввалги ҳимояси ва шу беш умумий манфаатлар муҳофазаси учун шахсий ривожланиш ва инсониятга зарур бўлган индивидуал ва институтлаштирилган шахсий ва ижтимоий заруратлар ўзаро боғлиқдир².

Ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг асосий принципларидан бири биродарлик принципи ҳисобланади. Биродарлик ўзаро муносабатларда меҳр-муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамжихатлик ва қийин пайтларда бир-бирини қўллаб-қувватлашдир. Бу ҳақида ислом қонунларининг бош манбаси ҳисобланган Қуръони каримда мўминлар бир-бирига биродар экани таъкидланади.

Хужурот сурасининг 10 оятида шундай дейилади. «Албатта, мўминлар биродардирлар»³. Биродарлик муносабати мана шундай алоҳида таъкидланиши, инсонларнинг ўзаро муносабатларида, уни тартибга солишда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Биродарлик тамойили хавфсизлик ва ишонч бўлиб, етимларга ва фақирларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш кабилар ҳисобланади. Мана шу мақсадлар билан биргаликда биродарлик туйғуси баҳам кўриш, ижтимоий тенглик, жамиятда бирдамлик туйғуларини юқорига қўйган ҳолда ислом ҳуқуқи жамиятда ижтимоий ривожланишни таъминлашда ижтимоий тартибни ўрнатиш ва Аллоҳ учун инсонларни мажбуриятини амалга оширишни мақсад. Бундай ижтимоий тартиб ўрнатилган жамиятда ижтимоий адолат, ижтимоий тин-

1 . одиров. Динимизда инсон манфаатлари. Мовароунна р. –Т.: 2017. –Б 33-34.

2 A.Erol. Social protection in Islamic law. Theoretical perspectiva. Peterlang. –В 2018. –Р 26.

3 А.Мансур. уръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. ТИУ. –Т.: 2018. –Б 514.



члик ва давомли ривожланишни пайдо бўлади.

Ислом ҳуқуқида яна ижтимоий ҳимояни таъминлаш принципларидан бири ўзаро ёрдам принципи ҳисобланади. Бу тамойил одамлар ўртасида ҳамкорлик ёки муҳтожлик пайтларида имкон қадар ёрдам кўрсатиш ғоясидан ҳам устунлик қиладиган илғор ғояларни ифодалайди. Исломда ўзаро ёрдамнинг асоси, ғарб жамиятларида ўринга эга бўлганидек, маълум бир вақтда ёки маълум бир жойда юзага келадиган ижтимоий муҳтожлик саналмайди. Бу ерда жамиятда ўзаро ёрдам ислом ҳуқуқида белгиланган тамойилга, хусусан, жамиятда инсонларни бир-бирига ёрдам бериш, ғамхўрлик қилиш тамойилига бориб тақалади¹. Жумладан, Тавба сураси 71 оятда шундай дейилади: «Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар»².

Бир-бирига ғамхўрлик қилиш инсон ҳаётининг турли моддий ва ахлоқий жиҳатларида жавобгарликни кўзда тутди. Араб тилидаги «валяйя» сўзи бир нечта маънони англатади: ғамхўрлик қилиш, бошқариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам. Инсонлар Ислом нуқтаи назаридан ҳар ким ўз ҳолича яшамайди, балки жамиятнинг бошқа аъзолари билан бир-бирига ғамхўрлик қиладиган, бунда жамият ишларида ва ҳаёти масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва идора этиш кўзда тутилади.

Ислом ҳуқуқининг иккинчи манбаси ҳисобланган ҳадисларда инсонларни бир-бирига ўзаро ёрдам бериш тамойили ҳақида келтирилган. Хусусан, куйидаги Ибн Умар р.а.дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда ҳам алоҳида таъкидланади: «Бир киши Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга энг сеvimли киши ким? Аллоҳ азза ва жаллага энг сеvimли амал қайси(амал)?» деб сўради. Расулуллоҳ с.а.в. «Аллоҳга энг сеvimли киши- одамларга кўпроқ манфаати тегадиган кишидир. Аллоҳга энг сеvimли амал- мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киритмоғинг ёки унинг ташвишини аритмоғинг ёки ундан очликни кетказишинг ёки унинг қарзини ўтаб қўймоғинг(дир). Қасамки, мен учун бир биродаримнинг эҳтиёжини қондириш учун юришим, ушбу масжид (Мадина масжиди) да бир ой эътикоф ўтиришимдан сеvimлироқдир», дедилар³.

Жамиятда ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва у билан боғлиқ муаммоларни ечишда юқорида келтирилган маълумотлар орқали биродарлик ва ўзаро ёрдам принципларини нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлади. Бу принципларнинг амалда қўлланиши инсонлар ўртасида алоқаларни, ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди.

¹ «يُبرر على كل مسلم». دأش رإل او قوعدل او فاقوأل او ةيمالسإل إل نوئشلا قرازو. مالسإل إلف ناسنإل اقوق ح. ففرتلإ مللإ دب ع¹
ةبطلأ ةفدوعسلأ: 81- ص: 1419، لوالأ: ةعبطلأ ةفدوعسلأ <https://al-maktaba.org/book/31489/77#p182>

² А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. ТИУ. –Т.: 2018. –Б 198.

³ Ҳ.Қодиров. Динимизда инсон манфаатлари. Мовароуннаҳр. –Т.: 2017. –Б 60.



ОСОБЕННОСТИ ЗАЩИТЫ ПРАВ МОЛОДЕЖИ И ЕЕ ПОДДЕРЖКИ НА НАЦИОНАЛЬНОМ УРОВНЕ В СТРАНАХ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА

Матчанова Мийригуль Азатовна

УМЭД

+998999970904

mira-matchanova@yandex.ru

Аннотация: в данной статье рассматриваются особенности защиты прав и интересов молодежи, а также их поддержка на национальном уровне в ряде европейских стран.

Ключевые слова: молодежь, права молодежи, защита прав молодежи, молодежная политика, молодежные организации.

Государства-члены ЕС обладают самостоятельностью в разработке и реализации собственной молодежной политики при соблюдении общих для ЕС целей и задач.

Дети и молодежь Германии пользуются широкой поддержкой со стороны государства при их развитии и становлении, при этом приоритет отдается интеграции молодежи в общественно-политическую жизнь, ее участию в процессах принятия решений и профилактике различных социальных проблем.

В Германии составляется ежегодный федеральный план по молодежной и детской политике. Для контроля над осуществлением молодежной политики каждые четыре года Федеральное правительство предоставляет «Отчет о положении молодежи». Кроме этого, «независимой экспертной комиссией регулярно проводится мониторинг проблем молодежи, позволяющий представительным органам вносить соответствующие коррективы в работу с молодежью»¹.

В Германии до 60% расходов на реализацию молодежных программ приходится на коммунальный уровень (около 10% коммунального бюджета), а 35% - на земельный. Это позволяет оказывать помощь молодым людям более адресно, с учетом локальных и региональных социально-экономических реалий и потребностей².

Основным инструментом участия молодые люди в молодежной политике выступают различные молодежные организации, деятельность которых финансируется в том числе за счет государственных средств. Данные организации широко привлекаются к решению разнообразных проблем молодежи совместно с государственными органами как активных участников данного процесса, при этом сотрудничество власти и НПО осуществляется на всех трех уровнях реализации молодежной политики (национальном, региональном, местном).

Молодежная политика в странах Европы основывается на принципах социального партнерства, договора, со-управления и сотрудничества государства и молодежных объединений, которые рассматриваются как субъект молодежной политики, осуществляющий реализацию молодежной политики наряду с соответствующими государственными органами³.

Существующая сегодня тенденция такова, что именно система молодежных НПО играет первостепенную роль в осуществлении молодежной политики на любом ее уровне. Так, «гораздо больше, чем половину всех учреждений и мероприятий по оказанию помощи молодежи организуют негосударственные объединения: от действующих во всей Германии молодежных организаций, благотворительных учреждений и церквей до союзов, организаций, юридических объединений и групп самопомощи, работающих лишь в одной земле, одном городе или городском районе»⁴.

Шведская система молодежной политики направлена на решение проблем на том уровне

¹ Мезенцева А.А. Особенности молодежной политики России и стран Европы (на примере Германии) // Студенческие научные исследования. 2014. № 9. URL: <http://student.snauka.ru/2014/11/2293>.

² Никишина И.В. Формирование экономико-информационного механизма управления региональной молодежной политики. URL: http://www.rusnauka.com/23_D_2009/Economics/49914.doc.htm.

³ Сулейманова С.Р. Типологизация правовых моделей деятельности молодежных объединений мира посредством анализа их целей и задач // Конституционное и муниципальное право. 2019. № 1. С. 33 - 37.

⁴ Молодежь России 2000-2025: развитие человеческого капитала. М. 2013. С. 66.



власти, где оно максимально эффективно, при широком привлечении общественных организаций, являющихся полноправными партнерами государства.

Все больше молодых людей участвует в деятельности государственных и муниципальных учреждений и включается их в процесс принятия решений, связанных с молодежной работой и защитой прав молодежи. Государство создает условия для самоорганизации молодежи, формируя гражданские механизмы защиты социальных интересов, гражданских прав и свобод молодых людей, способствуя усилению их гражданской активности и поощряя различные формы гражданского участия молодежи в жизни общества.

Молодежные организации, входящие Германский федеральный совет молодежи (DBJR), активно сотрудничают с международными партнерами, реализуя различные европейские проекты: кооперации молодых людей, обмен молодежи и молодых специалистов, участие в молодежных конференциях.

В развитых европейских странах применяется комплексный подход к молодежной политике, охватывающей трудоустройство, образование, жилье, социальную защиту, культуру, и т.п. Например, во Франции в 2013 г. была разработана новая программа действий, получившая название «Приоритет: Молодежь». Дорожная карта программы охватывает 47 конкретных мер, основанных на достижении приоритетных целей. При этом в качестве ключевых приоритетов в программе выделялись:

1. Обеспечение равного доступа молодежи к социальным правам.
2. Поощрение расширения возможностей молодежи через обучение, обеспечение жильем, здоровый образ жизни, мобильность и т.д.
3. Атака на социальную несправедливость и дискриминацию.
4. Содействие участию молодежи в общественных делах¹.

На сегодняшний день в ряде европейских государств созданы и активно функционируют специализированные международные молодежные службы. В качестве примера здесь можно привести Международную службу по делам молодежи Федеративной Республики Германии (ИЯВ), которая является специализированным агентством по международной молодежной политике и международной молодежной работе.

Повышение качества и доступности образования как важного канала успешной социализации, увеличение количества молодых людей, продолжающих учебу после окончания средней школы (повышение квалификации, профессионально-техническая подготовка, обучение в ВУЗах) является одним из главных направлений молодежной политики. Один из подходов заключается в том, что государство оплачивает стоимость обучения вузам, а студентам предоставляет стипендии и/или гранты на период обучения для оплаты расходов на проживание и дополнительные расходы, связанные с обучением, например, стажировки (Норвегия, Швеция, Германия).

Большое внимание уделяется минимизации молодежной безработицы. В Великобритании борьба с безработицей осуществляется в рамках программы «Новый курс для молодых людей» - консультации и рекомендации по выбору рода деятельности с учетом индивидуальных особенностей и потребностей. В Германии существует и одна из наиболее развитых систем профессиональной подготовки и переподготовки кадров. компаниям, нанимающих молодежь, предоставляются государственные доплаты и субсидии; поощряется мелкий и средний бизнес - уровень государственных субсидий может достигать до 70%, остальные 20% приходятся на кредиты, и только 10% остается заплатить начинающему предпринимателю.

Важное место занимает гражданское воспитание: не только выработка умения отстаивать свои права, но и воспитание социально-политической активности в целом (в Великобритании с 2002г. проводятся курсы воспитания граждан как часть школьных образовательных программ). В целом британскую молодежную политику характеризуют стремление дать молодым людям шанс, их поддержка, но отказ от чрезмерной опеки и благотворительности, с целью формирования стимула к самостоятельной активности². 1240

¹ “Priority: Youth”. Summary. French Cross-ministerial Committee for Youth. Coordinated by the Minister for Sports, Youth, Non Formal Education and Voluntary Organisations. 2013. P. 2.

² Канунников К.С. Концепции европейской государственной молодежной политики: тенденции и основные направления // Молодой ученый. 2011. № 12 (35). Т. 2. С. 19-22.



Характерной чертой государственной политики рассматриваемых стран является обязательное отслеживание эффективности молодежной политики в стране, проведение мониторинга, анализ происходящих в жизни молодежи изменений, в том числе, с привлечением независимых экспертов, и составление Доклада о положении молодежи в стране.

Проблемы молодежи современном мире представляют собой проблемы не только современного молодого поколения, но и всего общества в целом, от решения которых зависит не только сегодняшний, но и завтрашний день общества. Обусловлено это тем, что в современном мире в связи с масштабными потоками информации, требующем постоянного притока новых знаний, а также со стремительным распространением таких угроз, как международный терроризм, религиозный экстремизм, фундаментализм, торговля людьми, роль молодежи возрастает и проблемы молодежи становятся все более актуальными для всех стран мира в том числе и для Республики Узбекистан.

Подводя итог, стоит подчеркнуть, что данные проблемы, с одной стороны взаимосвязаны и исходят из объективных процессов, протекающих в современном мире - процессов глобализации, информатизации, и т.д.

С другой стороны, они имеют свою специфику, опосредованную современной действительностью и проводимой в стране государственной политики в отношении молодежи. Важно отметить, что успешное реформирование любого государства возможно только при активном участии молодежи.

Список литературы:

1. Мезенцева А.А. Особенности молодежной политики России и стран Европы (на примере Германии) // Студенческие научные исследования. 2014. № 9. URL: <http://student.snauka.ru/2014/11/2293>
2. Никишина И.В. Формирование экономико-информационного механизма управления региональной молодежной политики. URL: http://www.rusnauka.com/23_D_2009/Economics/49914.doc.htm.
3. Сулейманова С.Р. Типологизация правовых моделей деятельности молодежных объединений мира посредством анализа их целей и задач // Конституционное и муниципальное право. 2019. № 1. С. 33 – 37
4. Молодежь России 2000-2025: развитие человеческого капитала. М. 2013. С. 66.
5. “Priority: Youth”. Summary. French Cross-ministerial Committee for Youth. Coordinated by the Minister for Sports, Youth, Non Formal Education and Voluntary Organisations. 2013. P. 2.
6. Канунников К.С. Концепции европейской государственной молодежной политики: тенденции и основные направления // Молодой ученый. 2011. № 12 (35). Т. 2. С. 19-22.

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
